Bugungi kunda dunyo har qachogidanda rivojlanib, axborot olamining maydoni yanada kegalayib bormoqda. Bu kabi globallashuv jarayonlari, ma'naviy tahdidlar, dunyoni tez sur'atlar bilan o'zgartirib borayotgani sir emas. Shu ma'noda globallashuv - bu avvalo hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir<sup>1</sup>. Darhaqiqat yer yuzidagi davlatlar hozirgi kunda shiddat bilan rivojlanib, taraqqiy etmoqda. Buning natijasida dunyoning ma'naviy qiyofasi ham zamon talablariga moslashmoqda desak ayni haqiqat bo'ladi. Ana shunday shiddatli jarayonlarda xalqimiz o'z tanlagan yo'lidan og'ishmasdan, dadil qadamlar bilan ilgarilab dunyo hamjamiyati bilan teng huquqli sub'ekt sifatida mulqot qilmoqda. Shu sababli mamlakatimiz yaqin 28 yil ichida Sobiq ittifoq tarkibidagi eng past ko'rsatgichlar bilan oxirgi o'rinlarda turgan va asosan xom-ashiyo yetkazib beradigan davlatdan jadal rivojlanib borayotgan mamlakatlar qatoriga qo'shildi. Ammo bugungi kundagiday osoyishta kunlar, musaffo osmon va tinchlikka o'z-o'zidan erishilgani yo'q. Barchamizga yaxshi ma'lumki, mustaqillikka qadam qo'ygan dastlabki yillarimizda mamlakamiz qiyin va o'ta og'ir sinovlarga duch keldi. Sobiq mustabid tuzum va uning mafkurasidan butunlay voz kechganimizdan so'ng xalqimiz ongida paydo bo'lgan g'oyaviy bo'shliqni to'ldirish davlat siyosatining asosiy masalalaridan biri sifatida maydonga chiqdi. Zero avvalo milliy o'zligimizni anglamasdan turib ko'zlagan manzilimizga erishish shunchaki bir iddaoga aylanib qolgan bo'lar edi. Shu sababli ham mamlakatimizda milliy qadriyatlarimizni tiklashga katta e'tibor qaratildi. Haqqoniy tariximiz, boy ma'naviy merosimiz qayta tiklangani buning yaqqol isboti bo'la oladi. Ana shunday murakkab va mashaqqatli yillar davomida yurtimiz og'ir sinovlarga ham duch keldi. Muqaddas islom dinimizning pok nomini o'zlarining g'arazli maqsadlarini amalga oshirishda qurol sifatida qo'llab, buning ortidan boyluk va hokimiyatga erishmoqchi bo'lgan ayrim siyosiy kuchlar tomonidan yurtimiz tinchligiga rahna solindi. Insoniyat tarixida diniy ongning ajralmas qismi bo'lgan odamlardagi e'tiqoddan faqat bunyodkor kuch sifatida emas, balki, buzg'unchi kuch, hatto, fanatizm (o'ta ketgan mutaassiblik) sifatida foydalanilganligini ko'rsatuvchi misollar ko'p. Aynan fanatizm illatiga yo'liqqan odamlar yoki ularning guruhlari jamiyatda beqarorlik to'liqini keltirib chiqarishga qodir bo'ladilar. Buzg'unchi g'oyalarni targ'ib qilayotgan oqimlar haqida gap ketganda missionerlik faoliyati haqida to'xtalish zarur. Zero bugungi kunda missionerlik faoliyati bilan shug'ullanib kelayotganlar yoshlar ongini tagi puch, hech qanday asosga ega bo'lmagan, na bir dinning arkoni hisoblanmaydigan g'oyalar bilan aldab o'zlarining g'arazli maqsadlari yo'lida foydalanishga urinmoqdalar. Din, uning mohiyati, inson va jamiyat hayotidagi o'rni haqida chuqur ma'lumotga ega bo'lmagan odamlar fikrini o'zgartirish, ularga bir dinni yomon ko'rsatib, boshqasini yaxshi, deb talqin qilish hamisha oson kechgan. Missionerlar o'zlarining xushmuomalaligi, yorqin va ta'sirchan va'zlari orqali aynan yuqoridagi kabi kishilarni chalg'itishga, o'z o'ljalarining qiziqishlari va zaif tomonlarini hisobga olib, bo'lajak prozelitlar bilan do'stona munosabatga kirib olishga va oxir-oqibat ularni taklif etilayotgan dinni qabul qilishga da'vat etadilar.

Shu nuqtai nazardan qaraganda, bugungi kunda juda keng miqiyos va ko'lam kasb etgan, inson va jamiyatning tinch va osuda hayoti hamda taraqqiyotiga tahdid tug'dirayotgan missionerlikka qarshi kurash, uning oldini olish o'zlarining asrlar davomida shakllangan diniy-milliy qadriyatlariga ega mamlakatlar uchun eng dolzarb masalalardan biri bo'lib qolmoqda. Mamlakatimizda ham bu

<sup>1</sup> Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent. Ma'naviyat. 2008. B.-111.



borada tizimli ishlar, missionerlik harakatlarni sodir etmoqchi bo'lganlarga qarshi qat'iy kurash olib borilmoqda. Bu kurashning mohiyati fikrga qarshi fikr, g'oyaga qarshi g'oya, jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashish tamoyilida o'zining yorqin ifodasini topgan.<sup>1</sup>

Odamlar ongi va qalbida ma'rifatning mutlaq ustuvor bo'lishiga erishish kishilar tafakkurini boyitish, ularda sog'lom va sobit e'tiqodni shakllantirish, bu yo'ldagi nazariy va amaliy ishlarining hozirjavobligini ta'minlash, ta'sirchanligini oshirishni taqozo etmoqda. Zero, birinchi Prezidentimiz I.Karimov ta'dirlaganlaridek, odamning o'z mustaqil fikriga, sobit e'tiqodiga, o'zi tayanib yashaydigan hayotiy-milliy qadriyatlar, shakllangan dunyoqarash va mustahkam irodaga ega bo'lishi turli shakllarda, goh oshkora, goh pinhona ko'rinishda sodir etiladigan tazyiqlariga bardosh berishining asosiy sharti hisoblanadi.

Yoshlarni buzg'unchi g'oyalardan asrash, ularni har qanday ekstremistik g'oyalar ta'siridan saqlash haqida gap ketar ekan terorchilik harakatlari haqida gapirish o'rindir. Darhaqiqat, bugun bu illat ostida necha minglab yoshlarimiz bugungi kundan Yaqin Sharq mamlakatlarida yuz berayotgan qonli voqealarda bevosita ishtirok etayotgani barchamizni chuqur qayg'uga soladi. Bu borada so'z ketganda 1991-yilning dekabr oyida Toshkentda yuz bergan g'alayonlarni misol tariqasida keltirish mumkin. Mustaqillikning birinchi yilida sodir bo'lgan bu notinchlik asosan xalqning ma'naviyati va ongiga qaratilgan dastlabki yurish bo'ldi. Zero ma'naviy tahdid avvalo, tili, dini, e'tiqodidan qat'i nazar, har qaysi odamning tom ma'nodagi erkin inson bo'lib yashashiga qarshi qaratilgan, uning aynan ruhiy dunyosini izdan chiqarish maqsadini ko'zda tutadigan mafkuraviy, g'oyaviy va informatsion xurujlardir.<sup>2</sup> Xulosa sifatda aytishimiz mumkinki, yoshlarning ongini zaharlaydigan har qanday yot g'oyalarga qarshi kurashda qo'lni-qo'lga berib, doimo xushyorlikda kurashmoq zarur. Yoshlar qalbida bolalikdan boshlab vatanga muhabbat va xalqqa sadoqat tuyg'ularini chuqur singdirib borish zarur. Chunki vatanparvarlik – bir ijtimoiy, etnik guruhga mansub bo'lgan kishilarning o'z tarixini, tili, madaniyati, urf-odatlarini, milliy obro'si, qadr-qimmatini bilishi, hurmat qilishi, ularga tayanishi, boshqa xalqlarning ham obro'-e'tiborini, manfaatlarini hurmat qila bilishini ifodalovchi ma'naviy fazilatdir.<sup>3</sup> Shunday ekan vatanparvarlik tuyg'usining inson qalbida chuqur ildiz otishi ma'naviy tahdidlar va buzg'unchi g'oyalarga qarshi turishning eng muhim omillaridan biridir.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch . T.: Ma'naviyat. 2008.
2. Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni, millatni – millat qilishga xizmat etsin, Tafakkur jurnali. 1998. 2-son.
3. Karimov. I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot–pirovard maqsadimiz. T.: O'zbekiston .2000.
4. Mirziyoyev.Sh.M. BMT bosh assambelyasining 72-sessiyasidagi nutqidan. 19-sentabr 2017 yil.
5. Irgashev I. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. T.:2005.
6. Yusupov E. Inson kamolotining ma'naviy asoslari. T.: 1998.
7. Yo'ldoshev J., Xasanov S. Avestoda axloqiy ta'limiy karashlar. T.: O'qituvchi. 1992.

1 *Qarang: Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni, millatni – millat qilishga xizmat etsin, Tafakkur jurnali. 1998. 2-son. B.-4.*

2 *Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch . T.: Ma'naviyat. 2008. B.-9.*

3 *Yusupov E. Inson kamolotining ma'naviy asoslari. T.: 1998. B.-149.*



## ТОЛЕРАНТЛИК: ТАРИХИ, МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Ражабова Мафтуна Икром кизи  
УрДУ 1-боскич Тарих йуналиши магистранти

**Аннотация:** Мақолада толерантлик тушунчасининг генезиси тарихий мазмуни ва эоманавий моҳиятини ёритишга бағишланган. Мақолада даврлар алмашиниши жараёнларида атама маъноларининг кенгайиб бориши таҳлил этилади.

**Калит сўзлари** толерантлик, генезис, иммунитет, диний муносабатлар, ижтимоий муносабатлар, ҳамжихатлик, халқаро муносабатлар.

Тарихдан бизга маълумки, турли цивилизациялар, давлатлар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар, шахслар ўртасида хайрихоҳ, ҳурматли ва тажовузкор бўлмаган муносабатларга эришиш йўллари ҳар доим жамоатчилик фикрини ҳавотирга солиб келган. Гуманистик руҳдаги баъзи меъёрлар ва тамойиллар конун ҳужжатларида, халқаро шартномаларда ва декларацияларда белгилаб қўйилган. Толерантлик жамият, ижтимоий гуруҳ, фуқаро маданиятининг хислати каби турли шаклларга эга бўлиб, у ҳам шахсий, ҳам жамоат, давлатники бўлиши мумкин. Бизга тарихдан маълумки турли давлатлар ортасидаги мулоқотлар ууларнинг озаро толерант алоқалари ва оз маданиятини озига хослигини саклаб қолиши ҳамда озаро бойитиши билан алоқадор булган муамолар ҳар бир даврнинг долзарб муамоси ҳисобланади. Бу муамоларни бартараф қилишда эса толерантлик тушунчасининг даврлар алмашиниши жараёнларида турлича мано-мазмун касб этиши муҳим аҳамиятга эга булди.

Толерантлик тушунчаси асли латинча бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида “чидамлик”, “сабрлик”, “бардошлилик”, “тоқатлик” маъноларини англатади. Антик давр ва ўрта асрларга қадар асосан тиббиёт соҳасида кенг истифода этилган мазкур тушунча ўсимлик, ҳайвонлар ва инсонлар организмларининг турли-туман касалликлар, жароҳатлар ва умуман, жисман кўрилган зарарга қарши ҳаёт учун курашиш жараёнларига доир иммунитет (нем. Immunität < фр. immunité < лат. immunitas (immunitatis) – қарши курашиш) [1] қобилятини ўрганиш масалаларига алоқадор бўлган. Кейинчалик бошқа фанлар доирасида ҳам эътиборли асарлар яратган машҳур тиббиёт олимлари ва аксинча, тиббиёт борасида ҳам диққатга сазовор фикрлар билдирган бошқа соҳа олимлари мазкур тушунчаёки унинг муқобил мазмуни кенгрок, яъни маънавий-маърифий ва руҳий (психологик) маъноларда ҳам қўллаб бошлаганлар (Эпименид, Горгий, Аристотел, Эпиктет, Ибн Сино).

Баъзи тадқиқотчилар бағрикенглик ҳақидаги мулоҳазаларнинг туғилишини «Никомахов ахлоқи» асарида Аристотел билан боғлашади. Софийлар таълимоти тарафдорлари бағрикенгликнинг мазмун ва таркибий томонларини очиб беришди. Дунёдаги барча нарса ҳақиқийлиги сабабли бардошлилик улар учун табиийдир. Бағрикенг онгнинг пойдеворларидан бири Сукрот фалсафаси эди. Tolerare феъл (тоқат қилмоқ, чидамоқ, сабр қилмоқ) қадимги Римда кенг қўлланилган. Шундай қилиб, Цицерон tolerantia сўзини инсонийлик муносабатларига нисбатан бардошли бўлган донишманд руҳига нисбатан ишлатади. Баъзи тадқиқотчилар бағрикенглик ҳақидаги мулоҳазаларнинг туғилишини «Никомахов ахлоқи» асарида Аристотел билан боғлашади. Софийлар таълимоти тарафдорлари бағрикенгликнинг мазмун ва таркибий томонларини очиб беришди. Дунёдаги барча нарса ҳақиқийлиги сабабли бардошлилик улар учун табиийдир. Бағрикенг онгнинг пойдеворларидан бири Сукрот фалсафаси эди. Tolerare феъл (тоқат қилмоқ, чидамоқ, сабр қилмоқ) қадимги Римда кенг қўлланилган. Шундай қилиб, Цицерон tolerantia сўзини инсонийлик муносабатларига нисбатан бардошли бўлган донишманд руҳига нисбатан ишлатади «Толерантлик - бу шахснинг ўз қарашлари, ҳаёт тарзи, феъл атори ва ўзга шахсларнинг бошқа хусусиятларидан фарқ қиладиган фикрларни зиддиятлар ва қарама қаршиликларсиз қабул қилиш қобилятидир.»

Толерантлик тушунчасининг ижтимоий муносабатларга оид бағрикенглик маъносида қўлланила бошлаши ўрта асрлар Европа уйғониш даврига тўғри келади (Рене Декарт, Балтасар Грасиан, Гольбах). Шу даврлар Европасида дин ва давлат, инсон ҳуқуқларининг диний ва дунёвий меъёрлари, диний ва дунёвий ақидалар масаласида ҳаттоқон тўқишга бориб етилган жуда кўп воқеалар бўлиб ўтгани тарихдан яхши маълум.



Миллатлараро тотувлик ва объект доирасидан чиқиб, кенг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид маъноларда талқин этилган. Булар ичида диннинг халққа нисбатан муносабатларига халқнинг сабрлилиги, халқнинг динга муносабатларига черковнинг бардошлилиги, худди шу каби диннинг давлатга ва давлатнинг динга, давлатнинг халққа ва халқнинг давлат муносабатларига нисбатан толерантлиги (бардошлилиги ёки сабрлилиги) масалалари мутафаккирлар томонидан анча кенг ўрганилган. Дин, давлат ва халқ ўзаро муносабатларининг ниҳоятда хилма-хил шаклларда намоён бўлиши, бу муносабатларни тартибга солиш борасида илгари сурилган кўплаб ғоялар толерантлик тушунчаси талқинларининг ҳамкўпайишига сабаб бўлди.

XX асрга қадар етакчи бўлган иккинчи ёндашувга кўра эса толерантлик тушунчасининг диний бағрикенгликка чорловчи мурувват маъносидаги талқинларига кўп дуч келиш мумкин. Бунда масалан, буддавийлик, христианлик, ислом динларидаги толерантлик ҳақида гап кетганда улардаги икки омилга асосий эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. Биринчиси, мазкур динларда ирк, миллат, жинс ва келиб чиқишнинг эътиборга олинмаслиги, яъни инсон омили. Иккинчиси, маданий қадриятларга либерал ёндашув, яъни ижтимоий анъаналарга хайрихоҳлик омилidir.

Лекин XX аср бошларидан техника тараққиёти ва унинг асосида меҳнатни ташкил этиш муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида толерантлик тушунчасининг юқорида қайд этилган биринчи ёндашуви давлат ва халқ, миллат ва миллий гуруҳлараро, халқ ва унинг халқаро муносабатларида, айниқса ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимида кенг мазмун касб этади. Энди тушунча иккинчи ёндашувга оид мурувват, чидам, сабр-тоқат маъноларини йўқотмаган ҳолда кўпроқ бағрикенглик, ҳамжихатлик, ҳамкорлик каби мазмунда талқин этила бошланди.<sup>1</sup> Мана шундай ғояларнинг амалга татбиқ этилиши асосида эса дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг идентификацион, сепарацион ва кооперацион – нейтралитет шакллари вужудга келди. Толерантлик тушунчаси XX аср давомида ўзининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ мазмуни асосида ривожланди. Таъкидлаш керакки, янги мазмундаги толерантлик XX асрда юз берган икки жаҳон уруши сабабли биринчидан, халқаро муносабатлар юзасидан янада кенг моҳият билан бойиган бўлса, иккинчидан, шу моҳиятни амалда татбиқ этишни мақсад қилган кўплаб халқаро ташкилотларнинг амалий шаклланишида асосий аҳамият касб этди. XX аср охирида толерантликнинг давлат ва халқ муносабатларига доир аҳамияти ортиб борди. Бу икки омил кўринишда намоён бўлди. Буларнинг бири инсон ҳуқуқларининг тобора оширилиб боришида ўз аксини топса, иккинчиси демократия тамойиллари, инсон фаровонлиги ва эркинликларини таъминлашнинг юксалиши билан ифодаланади. Мазкур икки омил XX аср охири ва XXI асрда толерантликни инсониятнинг энг муҳим ҳаётӣқадрияти, халқлараро муносабатлар маданиятига айлантирган бўлса-да, унинг мазмунан кенгайиши ҳали ҳам давом этмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, толерантлик тушунчасининг ривожланиши ҳамда турли-туман шакл ва мазмундаги муносабатлар тизимига кириб боришида ахборот соҳасининг тараққиёти катта рол ўйнади. Сўнгги даврларда фундаменталистик, экстремистик, радикал террористик ва бошқа шулар каби турдаги мафкураларнинг кучайиши шароитида толерантлик маданиятини мустаҳкамлаш зарурияти тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга, кейинги ўн йилликларда ривожланган давлатларда толерантликнинг моҳияти турли ҳуқуқий ва меъёрий актларда, низомларда, қоидаларда, ташкилотлар ҳужжатларида ифодаланмоқда<sup>2</sup>. Бу жараёнлар бошқа умуминсоний қадриятларга оид муносабатлар аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, давлат бошқаруви идоралари, нодавлат ташкилотлар низомлари ёки махсус комиссия, экспертлар гуруҳлари ҳулосалари воситасида толерантликни амалий шакллантириш жараёнларининг йил сайин такомиллаштирилиб боришини таъминлаётти. Ҳозирги даврга келиб толерантликнинг ўз вазифаларини бажариши учун уни амалий ҳаётга Миллатлараро тотувлик татбиқ этишни такомиллаштириш жараёнларида бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иккита масалани ҳал

<sup>1</sup> Бондырева С.К. Колесов В., Толерантность: Введение в проблему-Воронеж: МОДЭК, 2003.-С.5

Фалсафа асослари/ Тузувчи ва масъул муҳаррир: К. Назаров.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-384 б.; Комилов Н., Жураев К., Дин, давлат ва жамият.-Т.: Академия, 2006.-200 б.

<sup>2</sup> Панарин А. Народ и элиты: между отчаянием и надеждой// Наш современник.-2001.-№11.-С.С205-2016  
Бобоев Х., Исломов З ва б. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Т.: ТДЮИ, 2000.-528 б.



этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бири XXI асрнинг бошларидан толерантликнинг бир вақтнинг ўзида ҳам умуминсоний маданият характери касб этиши, ҳам барча ижтимоий-иктисодий муносабатлардаги мураккабликлар талабларига жавоб беришга йўналтирилиши. Иккинчиси, уни келажакдаги халқаро зиддиятларнинг олдини олиши учун асосий давлат дастурлари ва меъёрларида ифодалаш, турли давлатлар дастур ва меъёрларини мувозанатлаштириш олиш қобилиятига эга бўлишини таъминлаш. Ҳар иккимасала бугун ва келажакнинг заруриятига айланиб бормоқда. Шу билан бирга, толерантлик мураккаб вазиятларда жуда катта инсоний гуруҳлар, бирликларни бошқариш имкониятларига эга бўлиши учун бир вақтнинг ўзида замонавий воситалардан фойдалана олиши, қонунларга амал қилишини таъминлаши, маъмурий тармоқлар ва улар билан жамият ўртасидаги муносабатларни оқилона тарзда мувофиқлаштириш олиши лозим. Толерантлик тартиблари, меъёрларини мутлақлаштириш, бошқарувни ташкиллаштиришнинг асосий омилига айланаётган консенсусни демократик қадриятлар асосида ривожлантириш бу соҳадаги тадрижий ривожланишнинг асоси бўлиб қолапти. Толерантликнинг тарихий мазмунини замонавий маданият асосида шаклландирилган қадриятлар ва қоидалар билан бойитишга зарурият ҳам мавжуд. Шунингдек, толерантликни амалий ташкил этиш, аниқ фикрлаш ва оқилона механизмлар воситасида уни маданиятга айлантириш учун зарур илмий савияга эҳтиёж ҳам сезиларли даражада. Толерантликка ўргатишнинг фанлар доирасидаги услублари ўз кучини йўқотаётган ҳозирги даврда фалсафа, мантик, ҳуқуқ, иктисодиёт, сиёсат, индивидуал ва ижтимоий психология каби фанлар амалиётини моделлар яратишга йўналтириш бугунги ҳаёт кун тартибидаги масалалардан ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда толерантлик учун энг муҳим бўлган сифат – бу жамиятнинг кўпроқ давлат манфаатларини ифодалаш онгининг тараққий этганлиги бўлиб, бу чексиз эркинликларга интилиш босими остида умумий манфаатларни ифода этишни сақлаб туришнинг, шунингдек, ҳуқуқий меъёрлар такдим этадиган амалий имкониятларни ошириб боришнинг демократик воситасини шакллантириш билан боғлиқ асосий қафолатлардир. Шунинг учун ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти институтларини кўпайтириш, уларнинг фаолият доирасини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш тобора ривожланаёпти. Ривожланган давлатларда ҳокимият ҳуқуқи ва фуқаролик жамияти институтлари такомиллашиб боргани сари толерантлик талаблари ҳам ўзгараётгани кузатилади. Шу билан бирга, кўпчилик ривожланган мамлакатларда толерантлик муаммолари соҳасида тадқиқот олиб борган олимлар унинг ижобий сифатларини таҳлил этишдан ташқари, “оммавий маданият”га алоқадор, шунингдек, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари билан боғлиқ равишда юзага келиши мумкин бўлган салбий хусусиятларини ҳам ўрганишга муҳим аҳамият беришмоқда толерантликнинг халқаро муносабатлар меъёрлари доирасида бутун инсоният маданиятига айланиши халқлар, давлатлар, миллатлар, элатлар, гуруҳлар ва бошқа инсоний бирликлар ўртасидаги, қолаверса, инсон ва табиат, инсон ва техника, инсон ва коинот муносабатларидаги жуда кўплаб зиддиятларга барҳам бериши мумкин. Бунинг учун: – толерантликни фақат ижтимоий муносабатнинг бир тури (масалан диний бағрикенглик) сифатидагина эмас, умуминсоний ижтимоий маданият сифатида тадқиқ этилиши ва уни амалий ҳаётга татбиқ этиш моделлари ишлаб чиқилиши;

– айрим гуманитар фанлар, масалан фалсафа, психология, социология, сиёсатшунослик кабиларнинг асосий мақсад ва вазифалари, объект ва предмети толерантлик масаласига йўналтирилиб, улар асосида толерантлик амалиёти билан шуғулланувчи янги технологиялар тизими тадқиқ этилиши;

– кетма-кет бир неча авлодда толерантликни ўз халқи маданий қадрияти сифатида эъзозлаш кўникмаси ҳосил қилишга олиб боровчи механизм яратилиши;

– толерантлик фақатгина айрим ижтимоий-гуманитар фанлар ва муассасалар доирасида эмас, аниқ ва техник фанлар, ишлаб чиқариш доирасида ҳам таълим ва тарбия тизимида қритилиши;

– толерантликка доир, айниқса халқаро муносабатларда кучли таъсирга эга бўлган ҳуқуқий меъёрлар яратилиши;

– толерантликни тўғридан-тўғри ҳимояловчи маҳаллий ва халқаро марказлар, тизимлар ва уларнинг кўптармоқли таркибий тузилмалари ташкил этилиши лозим бўлади. Улар амалда гуманитар фанлар учун лаборатория, шунингдек, бу соҳада олиб борилаётган янги илмий тадқиқотларни синовдан ўтказиш ва амалий ҳаётга тавсия этиш муассасалари вазифасини



ҳам бажарган бўлар эди. Айниқса, фалсафа фани бу борада етакчи вазифани бажаради. Ўтмишда яратилган фалсафий қарашлар, ғоялар дунёнинг ривожланишига катта турки бериб келганлигини ҳеч ким рад эта олмайди. Шундай қилиб юкорида тавсифланган толерантлик тушунчаси ижтимоий муносабатлар учун кўрсатма бўлиб хизмат қилади, аммо инсон хатти тотувлик, кураш ва карамакаршилиқ, Толерантлик ва мурасасизликнинг ўлчови, уларнинг нисбати (аниқ, тарихий) турли омиллар, ўзига хос ҳолатлар билан белгиланади.

Хулоса қилиб шуни тақидлаш лозимки, толерантлик анча кенг маъно мазмунга ега тушунча. Бу тушунчани нафакат тарихий контекстда шақиллантириш, балки бошқа куплаб фанлар кесимида ривожлантириш ва хайотга тадбик қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади. Ҳаракатларининг етакчиси сифатида тушунилиши муқаррар равишда муаммо тўғдиради мутлақ толерантлик ва индивидуалликнинг намоён бўлиш еркинлиги истаги, қабул қилинишига ва абадий умуминсоний қадириятларни инкор етишга олиб келади<sup>1</sup>. Мамлакатимизда бу борада бир канча ишлар амалга оширилди. Барча соҳаларда жаҳон халқлари билан фақат яхшилиқ ва икки томонлама ҳамкорликни кузлаб алоқаларни йулга қуйиш, мамлакат ичида турли миллат вакиллари билан мустаҳкам ҳамжихатлик, дустана ҳаёт тарзини ташкил етиш ва улар мақсадларини юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига йуналтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, диний, миллий, маданий бағрикенглик ва ҳамкорлик, ҳуллас, толерантлик маданиятини шақиллантиришда Ўзбекистонда анчагина самарага эришилди. Айтиш мумкинки, эришилган натижалардан куплаб давлатлар тажриба урганса арзийди ва бу ўзбек халқининг утган буюқ аждодларига муносиб ворис сифатида жаҳон маданияти ривожига хайрли хисса қушаётган халқлигини аңлатади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:**

1. Бондырева С.К. Колесов В., Толерантность: Введение в проблему - Воронеж: МОДЭК, 2003. - С.5
2. Панарин А. Народ и элиты: между отчаянием и надеждой // Наш современник. - 2001. - №11. - С.С205-2016
3. Равшанов Ф., Толерантлик: Тарих ва Тараққиёт. Илмий мақола Илмий тахлилий ахборот, 1-сон 2018 йил., 80-82 б
4. Фалсафа асослари / Тузувчи ва масъул муҳаррир: К. Назаров. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 384 б.; Комилов Н., Жураев К., Дин, давлат ва жамият. - Т.: Akademiya, 2006. - 200 б.
5. Бобоев Х., Исломов З ва б. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. - Т.: ТДЮИ, 2000. - 528 б.
6. Рерих Н.Л., О вечном. - М.: Республика, 1994 - С.462

<sup>1</sup> Равшанов Ф., Толерантлик: Тарих ва Тараққиёт. Илмий мақола Илмий тахлилий ахборот, 1-сон 2018 йил., 80-82 б.

Рерих Н.Л., О вечном. - М.: Республика, 1994 - С.462



## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

**Худайберганов Санъат Санжарович**

Урганч давлат университети, Тарих факультети

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва  
ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

**Мадримов Ихтиёр Бахтиёр ўғли**

Урганч давлат университети

Тарих факультети талабаси

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразм вилоятида Халқаро иқтисодий алоқалари ривожланишининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар.** Бозор иқтисодиёти, дунёқараш, кадриятлар, ҳаёт даражаси, ҳусусий мулк.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг бошланиши, ҳусусий мулкчиликнинг тикланиши, бутунлай янги ижтимоий қатлам – ўрта синфнинг шаклланиши каби ўзгаришлар демократик кадриятларни ўсишига замин яратди. Фуқароларнинг дунёқарашада туб ўзгаришлар рўй берди. Тоталитар мафкурадан бутунлай ҳоли бўлган янги авлод шаклланди. Улар ҳаётида ўз атрофидаги воқеликларга ўз мустақил нуқтаи назари қараш, ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлиқ ҳолда ҳис этиш каби кадриятлар шаклланди. Мустақиллик давридаги буюк ўзгаришлар ҳақида Биринчи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов қўйидаги фикрларни билдиради: “Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Ҳаётимизда амалга ошириляётган бундай ўзгаришлар аввало нимани англатади? ...Бу амалий ишлар авваламбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўляётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради”<sup>1</sup>. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда”. Айниқса, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва фаол амалиётга тадбиқ этиляётган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг аниқ механизмлари белгилаб берилганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг янги босқичи сифатида эътироф этилмоқда.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси ва унинг ўзини ўзи янада такомиллаштириши омили, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, анча узоқ давр давом этади. У фуқаролик жамияти

<sup>1</sup> Каримов И.А. Амалга ошириляётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилidir. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь.-Т.: Ўзбекистон, 2013.-Б.12 2 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.



шаклланиши билан бирга такомиллашиб борди. Ҳар бир давлатда бўлганидек, ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг суверенлиги ҳам мамлакат ичида унинг барча фуқароларга ва улар ташкил этувчи нодавлат ташкилотларига нисбатан устунлигида ва ундан ташқарида давлатнинг ташқи сиёсатни юритиш, бошқа давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда ва мустақиллигида намоён бўлади. Бугунги кунда Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, тупроқ унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш, янги ва харидоргир маҳсулотлар етиштириш орқали жаҳон бозорига чиқишнинг янги йўналишларини жорий этиш ва шу орқали иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Вилоят, туман ва шаҳарларни уларнинг табиий-географик имкониятлари, ер шароити ва деҳқончилик маданиятини назарда тутган ҳолда, ҳудудий эҳтиёж ва манфаатлар нуқтаи назаридан иқтисодий ривожлантириш чораларини кўриш борасида ҳам амалий натижаларга эришиб келмоқдамиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Хоразм вилоятида Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга кенг жорий этилиши натижасида вилоят иқтисодий салоҳияти ўсмоқда. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари вилоятимизга амалий ташрифи ва унинг натижасида иқтисодий ўсиш нуқталарининг белгиланиши иқтисодий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилиши билан аҳамиятлидир.

### **Фойданалган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик -ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017.-104 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 февраль

3. Хоразм вилояти ҳокимлигининг расмий веб сайти.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 27-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(2-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2021

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000